

қилувчи шахс бўлишга уринмоғи лозим. Ислонда илм талаб қилиш бешиқдан то қабргача фарз қилинган. Бу маънони кенгроқ тушунишга ҳаракат қилайлик.

Фарз Аллоҳ таолонинг қатъий амри бўлиб, уни бажариш ҳар бир мўмин учун мажбурийдир. Фарз амални бажармаган одам катта гуноҳ иш қилган бўлади, охиратда иқобга учрайди.

Фарз икки қисмга бўлинади: фарзи айн ва фарзи кифоя.

Фарзи айн ҳар бир мусулмон шахсан бажариши лозим бўлган ишдир. Уни биров учун бошқа бир одам адо этгани билан фарз бажарилган бўлмайди. Бунга намозни мисол қилиш мумкин. Беш вақт намозни ўқиши балоғатга етган ҳар бир мўмин инсон учун фарзи аиндир. Ўқимаган одам қаттиқ гуноҳкор бўлади.

Фарзи кифоя эса баъзи бир мусулмонлар адо этса, бошқалар учун кифоя қиладиган ишдир. Бунга мисол жаноза намозидир. Бир мусулмон вафот этса, уни ювиб-тараб, жанозасини ўқиб кўмиш ҳамма мусулмонлар учун фарз бўлади. Аммо фарзи кифоя бўлгани учун, баъзи мусулмонлар жанозасини ўқиса кифоя. Бошқалардан фарз соқит бўлади.

Илм талаб қилиш борасида фарзнинг иккала қисми ҳам иштирок этади.

Ҳар бир мусулмон учун ўзига керак нарсани, ҳаёти учун зарурий илми, дину диёнатни, ҳалол-ҳаромни билиб олишда зарур бўлган барча нарсани ўрганиш фарзи аиндир. Ҳар бир мусулмон бу ишни қилиши шарт. Қилмаган одам гуноҳкор бўлади.

Мана, Ислон динида илм талаб қилиш фарзлигини тушуниб олдик. Энди бу фарз ҳаётимизда қай ҳолатда эканини мулоҳаза қилайлик. Кўпчилигимиз ўзимиз учун керак бўлган диний мажбуриятларни билмаймиз. Қуръон ўқиш, намоз ўқиш ва бошқа фарз, вожиб, суннат ишларни ўрганмаймиз. Ҳолбуки, бу ишлар ҳар бир мусулмон учун фарзи айн бўлиб, ушбу нуқсонни йўқотиш учун курашмоғимиз лозим.

Жумладан, нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш илми ўрганишимиз ва амал қилишимиз зарур бўлган илмдир.

«Руҳий тарбия» китобидан